

ШАРТЛИ ХУКМ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Толибов Ғайрат Олимович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратураси тингловчиси.<https://doi.org/10.5281/zenodo.18368875>

Аннотация. Ушбу мақолада шартли ҳукм институтининг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатлари комплекс таҳлил қилинган. Хусусан, мазкур институтнинг илк манбалари, жумладан, қадимги ҳуқуқ тизимлари, ислом ҳуқуқи нормалари, ҳамда маҳаллий давлат тузилмаларида қўлланилган жазо ва кечириш амалиёти ёритилган. Шунингдек, собиқ Иттифоқ даврида қабул қилинган жиноят қонунлари, айниқса 1926, 1959 ва 1994 йиллардаги Жиноят кодексларида шартли ҳукмни қўллаш асослари, синов муддатлари, назорат механизми ҳамда шартли ҳукмни бекор қилиш тартибларининг эволюцияси илмий нуқтаи назардан таҳлил этилган. Муаллиф томонидан шартли ҳукм институти ривожланишининг тўртта тарихий даврга бўлиб ўрганилиши асослаб берилган ҳамда турли даврлардаги қонунчилик нормаларининг ўзаро фарқли жиҳатлари очиб берилган.

Калит сўзлар: шартли ҳукм, жиноят ҳуқуқи, синов муддати, жазо тайинлаш, жиноят қонунчилиги, жазони ижро этмасдан озод қилиш, ҳуқуқий институтлар тарихи.

Аннотация. В статье проводится комплексный историко-правовой анализ института условного осуждения и этапов его развития. Рассматриваются истоки условного осуждения в древних правовых системах, религиозно-нормативных источниках, а также в правоприменительной практике местных государственных образований. Особое внимание уделено эволюции норм условного осуждения в уголовном законодательстве бывшего Союза и Республики Узбекистан, в частности в Уголовных кодексах 1926, 1959 и 1994 годов. Проанализированы основания применения условного осуждения, сроки испытания, формы контроля за поведением осуждённых и основания отмены условного приговора. Автор обосновывает целесообразность периодизации развития института условного осуждения на четыре исторических этапа и выявляет их ключевые отличительные особенности.

Ключевые слова: условное осуждение, уголовное право, испытательный срок, назначение наказания, уголовное законодательство, контроль за осуждёнными, история правовых институтов.

Abstract. This article provides a comprehensive historical and legal analysis of the institution of suspended sentencing and its stages of development. The study examines the origins of suspended sentencing in ancient legal systems, religious norms, and the legal practices of local state entities. Particular attention is given to the evolution of suspended sentencing provisions within the criminal legislation of the former Soviet Union and the Republic of Uzbekistan, especially in the Criminal Codes of 1926, 1959, and 1994. The article analyzes the legal grounds for imposing suspended sentences, probation periods, supervision mechanisms, and the conditions for revocation. The author substantiates a four-stage historical periodization of the development of the suspended sentencing institution and highlights the distinctive features of each stage.

Keywords: suspended sentence, criminal law, probation period, sentencing, criminal legislation, supervision of offenders, history of legal institutions.

Барчамизга аёнки, жамиятимиз, ундаги ижтимоий муносабатлар тўхтовсиз олдинга ҳаракатланишга маҳкум. Кундан кунга ҳаётимизда мисли кўрилмаган тезликда ўзгаришлар юз бермоқда¹. Шундан келиб чиқиб жиноят турлари ва уларни содир этиш усуллари ҳам ўзгача тус олмоқда. Шунинг учун жиноятларни фош этиш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш ҳам шунга муносиб тарзда ривожланиши лозим бўлади.

Бунинг учун эса айниқса жазо турларини таҳлил қилиш, қандай юзага келган ва шу кунга қадар қай даражада шаклланганлигини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шартли ҳукм институти биринчи марта собиқ Иттифокнинг 1918 йил 7 мартда қабул қилинган “Суд ҳақидаги иккинчи декрет”да, шунингдек 1919 йили “Асосий қўлланма”да, сўнгра 1922 йили қабул қилинган РСФСР Жиноят кодексининг нормасида ўз аксини топган. Ўша даврда Қўқон хонлиги ва Хива хонлиги Туркистон автоном Республикаси таркибига киритилганлиги сабабли, юқорида қайд этилган ҳукукий хужжатлар мазкур давлатлар ҳудудида ҳам амал қилган².

1924 йили “ССР Иттифоқи ва иттифокдош республикалар жиноят қонунлари асослари”да шартли ҳукм билан боғлиқ қоидалар шакллантирилган. 1926 йилда Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 34-моддасида “Шахсга мажбурий ишлатиш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланганида, шартли ҳукм билан бирга ҳар қандай қўшимча жазо тайинланган. Синов муддати бир йилдан ўн йилгача белгиланган”³.

Ўша даврда шартли ҳукм меҳнат-ахлоқ тузатиш ишлари⁴ жазоси тайинланганида кўпроқ қўлланилган. Аммо мазкур қонунда шартли ҳукмни бекор қилиш асослари назарда тутилмаган. Шунингдек, мазкур кодексида суд томонидан шартли ҳукмни татбиқ қилиш мумкин бўлган жиноятлар доираси тўғридан-тўғри назарда тутилмаса-да, оғир жиноятлар учун шартли ҳукм қўлланилмаслиги кўрсатилган. Ўша даврга оид юридик адабиётларда оғир жиноятлар учун шартли ҳукм жиноятчининг ўзига нисбатан ҳам, бошқаларга нисбатан ҳам жиноят қонунининг таъсирини сусайтириб юбориши мумкин, деб изоҳ берилган⁵.

Айниқса, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг 1940 йил 10 август фармонида мувофиқ, ўзлаштириш ёки растрата, сотсиалистик мулкни талон-торож қилувчиларга ва безориларга шартли ҳукм қўлланилмаган.

1926 йили қабул қилинган Жиноят кодексида шартли ҳукм қилинган шахснинг синов муддати давомида содир этган янги жиноятининг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқори бўлиши белгиланган.

Бундай ҳолда қонунда судга икки хил йўл билан жазо тайинлашга ҳуқуқ берилган: шартли ҳукмда тайинланган жазони янги содир этилган жиноят учун тайинланган жазога тўла ёки қисман қўшиш; шартли ҳукм қўлланилган жазони инобатга олмай, фақат янги жиноят учун жазо тайинлаш⁶ тартиби белгиланган.

¹ Abdullayev, A. (2025). FALSE TESTIMONY: SOME ISSUES RELATED TO INVESTIGATION. B INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (Т. 5, Выпуск 1, сс. 15)

² Usmonaliyev M., Ermatov G. Shartli hukm qilish tushunchasi, mohiyati va ahamiyati. – Toshkent: TDYUI, 2005. – B. 8.

³ O‘zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasining Jinoyat kodeksi. – Toshkent, 1947. – B.14

⁴ Jinoyat huquqi. I. Umumiy qism: Yuridistik maktablar uchun darslik. – Toshkent, 1947. – B. 191

⁵ Jinoyat huquqi. I Umumiy qism: Yuridistik maktablar uchun darslik. – Toshkent, 1947. – B. 193–194

⁶ O‘zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasining Jinoyat kodeksi. – Toshkent, 1947. – B. 14.

Шунингдек, шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида содир этган янги жиноятининг шартли ҳукм қўлланилган жиноятдан ижтимоий хавфлилик даражаси паст бўлса, синов муддатининг ўтишига таъсир этмаган ва шартли ҳукм бекор қилинмаган⁷.

1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасида “Фақат озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинганларга нисбатан шартли ҳукм қўллаш мумкин. Синов муддати бир йилдан уч йилгача”⁸ белгиланган. Ўша даврда жиноят-ҳуқуқи назариясига оид манбаларда озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари тайинлаш чоғида шартли ҳукм қўллаш мумкинлиги қайд этилган.

Маҳкум суд томонидан ўрнатилган синов муддати даврида озодликдан маҳрум қилинишига сабаб бўлган янги қасддан жиноят содир этмаслик шarti билан озод қилинган⁹. Шунингдек, шартли ҳукм қилинган шахсларни ҳисобга олиш ва уларнинг ахлоқи устидан умумий назорат олиб бориш суд томонидан амалга оширилган¹⁰.

Агар ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш учун жамоат ташкилоти ёки меҳнат жамоаси кузатиб туриши учун топширилган шартли ҳукм қилинган шахс ўзига билдирилган ишончни оқламасдан, намунали ахлоқи ва ҳалол меҳнати билан ўзининг тузалганлигини исбот қилиш тўғрисида берган ваъдасини бузса; ижтимоий таъсир кўрсатиш чорасидан қочиш мақсадида меҳнат жамоасини ташлаб кетса, у ҳолда жамоат ташкилоти ёки меҳнат жамоасининг илтимосига биноан суд шартли равишдаги ҳукмни бекор қилиб, маҳкумни ҳукмда тайинланган жазони ўташ учун юбориш тўғрисида ажрим чиқариши мумкинлиги¹¹ белгиланган. Агарда, шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида яна қасддан жиноят содир этса, унинг учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиб, суд унга бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаган¹².

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1982 йил 31 декабр фармони билан Жиноят кодекси 43-моддаси янги таҳрирда қабул қилиниб, шартли ҳукмни қўллаш учун асослардан ташқари шартли ҳукм қилинганларнинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатилиши белгиланган¹³.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1984-йил 1-мартдаги фармони билан Жиноят кодекси 43-моддаси 4-қисмига ўзгартиш киритилиб, шартли ҳукмни бекор қилиш асослари қисман кўрсатиб ўтилган¹⁴.

Ўша давр ҳуқуқшунос олимлари О.Ҳ.Расулов, Б.А.Аҳмедов ҳамда Ғ.А.Аҳмедовлар шартли ҳукм қилишнинг мақсади – маҳкумни суд ҳукми билан тайинланган жазони ўтамасидан туриб ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш¹⁵, эканлигини эътироф этадилар.

⁷ Jinoyat huquqi. I Umumiy qism. Yuridistik maktablar uchun darslik. – Toshkent, 1947. – B. 193

⁸ O‘zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasi Jinoyat kodeksi. – Toshkent, 1959. – B. 20.

⁹ Курс советского уголовного права. Т. 5. – Ленинград: Изд-во Ленинградского университета, 1981. – С.539.

¹⁰ O‘zbekiston SSRning Jinoyat kodeksi. – Toshkent: O‘zbekiston, 1977. – B.37.

¹¹ O‘zbekiston SSR Oliy Kengashi Raёsatining “O‘zbekiston SSR Jinoyat kodeksiga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi 1982-yil 31-dekabr farmoni // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining axborotnomasi. – 1983. – № 1 (928). – 1-m.

¹² O‘zbekiston SSRning Jinoyat kodeksi (1977-yil 1-yanvargacha bo‘lgan o‘zgartish va qo‘shimchalar bilan). – Toshkent: O‘zbekiston, 1977. – B. 37.

¹³ O‘zbekiston SSR Oliy Kengashi Raёsatining “O‘zbekiston SSR Jinoyat kodeksiga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi 1982-yil 31-dekabr farmoni // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining axborotnomasi. – 1983. – № 1 (928). – 1-m

¹⁴ O‘zbekiston SSR Oliy Kengashi Raёsatining “O‘zbekiston SSRning ba’zi qonun aktlariga qo‘shimcha va o‘zgartishlar kiritish to‘g‘risida”gi 1984-yil 1-mart farmoni // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining axborotnomasi. – 1984. – № 7 (970). – 107-m.

1994 йили қабул қилинган Жиноят кодекси 72-моддаси 1-қисмига асосан «озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини» тайинлаш вақтида шартли ҳукмни қўллаш имконияти янада кенгайган.

Жиноят кодекси 72-моддаси 7-қисмида “Шартли ҳукм оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга, шунингдек, илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди” деган қоидага Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабр қонуни билан янги таҳрирдаги “Шартли жазо белгилаш тартиби ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга, шунингдек, илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, шунингдек, олтимиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно”¹⁶, ўзгартириш киритилди.

Шунингдек, 72-модда 8-қисмида “Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлаш” белгиланган.

Юқоридаги умумий таҳлилларга асосан фикримизча, шартли ҳукм институти ривожланишининг тарихий жараёнларини тўртта даврга, яъни: илк давр (милoddан аввалги III ва милoddий IX асрлар); ўрта асрлар ва кейинги даврлар (IX–XX асрлар); собиқ Иттифоқ (1917–1991-йил) ҳамда замонавий (1994 йилдан ҳозирга қадар) даврларга ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Чунончи: “Авесто”да жазо бериш “диний-етник қоидаларга бўйсундириш мақсадидаги ҳаракат” учун тўловни англатган. Жазо ва синаб кўриш қоидалар асосида олиб борилган.

Шариат нормаларида бир ой рўза тутиб бериш, битта мусулмон қулни озод қилиш, тан жароҳати учун жавобгарлик қасд шаклида, жабрланувчининг розилиги билан айбдор зимма- сига жабрланувчи ёки унинг яқин қариндошларига товон тўлаш мажбуриятини юклаш, жазо қўллашни кечиктириш шаклида амалга оширилган. “Ясоқ” қонунларида оғзаки танбеҳ бериш, такроран жиноят содир этса жазолаш ёки сургун қилиш, шахсни қишанлаб ер тўла (зиндон)га ташланган.

“Темур тузуклари”да давлат фақат адолатли қоидалар асосида қурилиши, яъни содир этган қилмиши учун пушаймон бўлганларни кечириб, аммо уларни иккинчи, учинчи марта содир этганларида қилмишига яраша жазолаш мумкинлиги белгиланган.

Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида эса шариат нормаларига амал қилиниб, айбдор тавба қилган тақдирда, бу жазо тури шак-шубҳасиз бекор қилиниб огоҳлантириш, жабрланув-чининг талаби бўйича таъзир жазоси қўлланилиши ёки жабрланувчи айбдорни кечирса, у жазоланилмаслиги мумкинлиги белгиланган.

XIX асрнинг 50-60-йилларига келиб, шартли ҳукм жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида шакллантирилган.

¹⁵ Rasulov O.H. Sovet Jinoyat huquqi. Umumiy qism. – Toshkent: O‘qituvchi, 1969. – B. 320; Ahmedov B.A. Sovet jinoyat huquqi. Umumiy va maxsus qismlar. – Toshkent: O‘qituvchi, 1984. – B.103-104; O‘zbekiston SSR Jinoyat kodeksiga sharhlar / G‘.A. Abdumajidov, B.A. Ahmedov, G‘.A. Ahmedov va boshq. – Toshkent: O‘zbekiston, 1988. – B.115.

¹⁶ O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining “O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartishlar va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi 1996-yil 27-dekabr qarori // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining axborotnomasi. – 1997. – № 2. – 56-m.

XX асрнинг 20-30-йилларида, шартли ҳукм институти мамлакатимиз жиноят қонунчилигида ўз ифодасини топган. 1926, 1959 ва 1994 йиллардаги Жиноят кодексларида шартли ҳукм билан боғлиқ қоидалар қуйидагича фарқланади:

биринчидан, 1926 ва 1959 йиллардаги Жиноят кодексларида шартли ҳукмни қўллаш асослари – озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларидан бирини тайинлашда ҳисобга олинган бўлса, 1994 йилдаги Жиноят кодексида озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинланиши, шартли ҳукмни қўллаш имкониятини кенгайтирган;

иккинчидан, 1926 йилдаги Жиноят кодексида шартли ҳукм қилинган шахсга бир йилдан ўн йилгача синов муддати белгиланган бўлса, 1959 ва 1994 йиллардаги Жиноят кодексларида бир йилдан уч йилгача синов муддати белгилаш назарда тутилган;

учинчидан, 1926 ва 1959 йиллардаги Жиноят кодексида шартли ҳукм қилинган шахсга бирор-бир мажбурият юклатилмаган, 1994 йилдаги Жиноят кодекси 72-моддаси 3-қисмида эса, шартли ҳукм қўлланилган шахсга бир қанча мажбуриятлар юклатилган;

тўртинчидан, 1926 йилдаги Жиноят кодексида шартли ҳукм қилинган шахсларнинг ҳуққи устидан назорат олиб бориш назарда тутилмаган бўлса, 1959 йилдаги Жиноят кодекси 43-моддасида шартли ҳукм қилинган шахсларни ҳисобга олиш ва уларнинг ахлоқи устидан умумий назорат олиб бориш суд томонидан амалга оширилган бўлса, ҳозирда амалдаги Жиноят кодекси 72-моддасида шартли ҳукм қилинган шахсларнинг ҳуққи устидан ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчилар ҳуққи устидан ҳарбий қисм ёки муассаса қўмондонлиги назорат олиб бориши белгиланган;

бешинчидан, 1926 йилдаги Жиноят кодексида шартли ҳукмни бекор қилиш асослари назарда тутилмаган. Бироқ 1959 йилдаги Жиноят кодекси 43-моддасида шартли ҳукмни бекор қилиш асослари қисман кўрсатиб ўтилган. Амалдаги Жиноят кодексининг 72-моддаси 6-қисмида шартли ҳукмни бекор қилиш асослари батафсилроқ белгиланган;

олтинчидан, 1926 йилдаги Жиноят кодексида суд томонидан оғир жиноятлар учун шартли ҳукм қўлланилмаслиги кўрсатилган бўлса, 1994 йилдаги Жиноят кодекси 72-моддасида шартли ҳукм қимларга ва қандай жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги мукаммал белгилаб берилган;

еттинчидан, 1926 йилдаги Жиноят кодексида шартли ҳукм қилинган шахснинг синов муддати давомида содир этган янги жиноятининг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқори бўлганида 1959 йилдаги Жиноят кодексида шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида яна қасддан жиноят содир этганида, 1994 йилдаги Жиноят кодексида эса «шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир этса, шартли ҳукм шартлари бузилган деб топилиб, суд унга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинланиши кўрсатилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Abdullayev, A. (2025). FALSE TESTIMONY: SOME ISSUES RELATED TO INVESTIGATION. B INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (T. 5, Выпуск 1, сс. 15)
2. Usmonaliyev M., Ermatov G'. Shartli hukm qilish tushunchasi, mohiyati va ahamiyati. – Toshkent: TDYUI, 2005. – B. 8.
3. O'zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasining Jinoyat kodeksi. – Toshkent, 1947. – B.14

4. Jinoyat huquqi. I. Umumiy qism: Yuridistik maktablar uchun darslik. – Toshkent, 1947. – B. 191
5. Jinoyat huquqi. I Umumiy qism: Yuridistik maktablar uchun darslik. – Toshkent, 1947. – B. 193–194
6. O‘zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasining Jinoyat kodeksi. – Toshkent, 1947. – B. 14.
7. Jinoyat huquqi. I Umumiy qism. Yuridistik maktablar uchun darslik. – Toshkent, 1947.– B. 193
8. O‘zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasi Jinoyat kodeksi. – Toshkent, 1959. – B. 20.
9. Курс советского уголовного права. Т. 5. – Ленинград: Изд-во Ленинградского университета, 1981. – С.539.
10. O‘zbekiston SSRning Jinoyat kodeksi. – Toshkent: O‘zbekiston, 1977. – B.37.
11. O‘zbekiston SSR Oliy Kengashi Raësatining “O‘zbekiston SSR Jinoyat kodeksiga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi 1982-yil 31-dekabr farmoni // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining axborotnomasi. – 1983. – № 1 (928). – 1-m.
12. O‘zbekiston SSRning Jinoyat kodeksi (1977-yil 1-yanvargacha bo‘lgan o‘zgartish va qo‘shimchalar bilan). – Toshkent: O‘zbekiston, 1977. – B. 37.
13. O‘zbekiston SSR Oliy Kengashi Raësatining “O‘zbekiston SSR Jinoyat kodeksiga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi 1982-yil 31-dekabr farmoni // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining axborotnomasi. – 1983. – № 1 (928). – 1-m
14. O‘zbekiston SSR Oliy Kengashi Raësatining “O‘zbekiston SSRning ba’zi qonun aktlariga qo‘shimcha va o‘zgartishlar kiritish to‘g‘risida”gi 1984-yil 1-mart farmoni // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining axborotnomasi. – 1984. – № 7 (970). – 107-m.
15. Rasulov O.H. Sovet Jinoyat huquqi. Umumiy qism. – Toshkent: O‘qituvchi, 1969. – B. 320; Ahmedov B.A. Sovet jinoyat huquqi. Umumiy va maxsus qismlar. – Toshkent: O‘qituvchi, 1984. – B.103-104; O‘zbekiston SSR Jinoyat kodeksiga sharhlar / G‘.A. Abdumajidov, B.A. Ahmedov, G‘.A. Ahmedov va boshq. – Toshkent: O‘zbekiston, 1988. – B.115.
16. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining “O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartishlar va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi 1996-yil 27-dekabr qarori // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining axborotnomasi. – 1997. – № 2. – 56-m.